

ФАОЛЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

КАРАНТИН АГЕНТЛИГИ: СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИНГ, ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИНГ

Серкӯёш ўлкамиз тупроғида етиштирилган юқори сифатли ва таъми оғизда қоладиган турли нозу-неъматларга дунё бозорида талаб катта. Айниқса бугун – жаҳонда экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кундан кунга ошиб бораётган маҳал. Асосий масала экспортни йўлга қўйишда, шу ишга киришган тадбиркору ташаббускорларга тўғри йўлни кўрсатишда. Ҳисоб- китобларга кўра, Ўзбекистон дунё бозорига ҳозиргига нисбатан ўн карра, юз карра кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиши, шу орқали бир неча ўн миллиард доллар фойда кўриши мумкин. Афсуски, бу бекиёс имкониятлардан етарли фойдалана олганимиз йўқ. Давлатимиз раҳбари худди шу сабабли ҳам мўъжизалар манбаи саналган аграр соҳани ривожлантиришга, тизимда инновацион тамойилларни қўллашга, илм-фан ютуқларига таянган ҳолда фаолият олиб боришга доимий эътибор қаратмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан республикаимизда Қишлоқ хўжалик академиясини ташкил этишга киришилгани, олимлар меҳнатига юқори ҳақ тўлашга ўтилгани, хориж билан алоқалар кўлами кундан кунга ошиб бораётгани ҳам шундан. Президент талабига кўра Карантин агентлиги экспорт занжири иштирокчиларининг том маънода қўмакчиси, маслаҳатчисига айланиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь куни мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига бир қатор вазифалар юклатилди. Ҳар бир маҳалла, хонадон ва фермер хўжалигига экспорт билан боғлиқ ишларни янада фаоллаштириш учун Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг 2 минг нафардан ортиқ карантин инспекторлари жалб этиладиган бўлди. Аслида бу бежиз эмас. Негаки, юқори сифатли маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқаришдаги дастлабки бўғин деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобланади. Халқаро сифат стандартларига мувофиқлик айнан шу ерда – далалар, боғлар, иссиқхоналар ва томорқалардан бошланади. Шу боис ҳам ҳар бир маҳалла, хонадон ва фермер хўжалигига карантин инспекторининг бириктирилиши халқаро талаблар асосида маҳсулот етиштиришга кўмаклашади ва шу орқали экспорт ҳажмини ошириш имкони туғилади. Қолаверса, сўнгги йилларда ходимларнинг аксарияти халқаро дастурлар асосида малака оширишга муваффақ бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг январь ойида Агентлик олдига экспорт ҳажмини ошириш бўйича қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Экспорт маркази ташкил этилган эди. Бу ерда мева-сабзавот етиштиришга оид барча маълумотлар мувофиқлаштирилади. Экспорт занжирининг барча

иштирокчиларни – етиштирувчидан тортиб, хориждаги импортёргача – барчани бирлаштирган ўзига хос платформа инспекторлар томонидан олиб борилган ҳар кунги мониторинг маълумотлари жамланади. Марказий экспорт штаби мутахассислари экспортбоп маҳсулотлар тўғрисида маълумотларни жамлаб, хорижий импортёрларга етказиб боради. Шу билан бирга, яқин 20 кун ичида экспортга тайёр бўладиган сабзавот, мева, полиз ва дуккакли экинлар ҳақида маълумотлар сарҳисоби олиб борилади.

Бугун ушбу механизм кутилганидек самара бермоқда ва фитосанитар сертификат асосида мева-сабзавотларни экспорт қилиш ҳажми ошиб борапти. Айни шу ҳужжат турли маҳсулотларни кўплаб давлатларга экспорт қилишда қўл келишини тадбиркорлар англаб етмоқда. Бугун Агентлик ташаббуси вқа юртимизнинг хориждаги элчихоналари ва ваколатхоналари кўмагида экспорт билан бевосита шуғулланаётган кўплаб тадбиркорларнинг халқаро кўргазмаларда иштирок этиши таъминланди. Дубайдаги «Gool Food», Париждаги SIAL ва Хитойдаги «Canton Fair» каби кўргазмалар ўзаро манфаатли келишувларга асос бўлди. Биргина Хитойда ўтказилган кўргазма натижасида 2 миллион долларлик шартномаларни имзолашга эришилди.

Яна бир муҳим янгилик шундаки, биз замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда тадбиркорларга халқаро онлайн савдони кенгайтиришда ёрдам беришни ҳам режалаштиряпмиз. Яқин вақт оралиғида бошқа мамлакатлар тажрибага таянган ҳолда юртимиз тадбиркорларини халқаро онлайн бозорларда ўз маҳсулотларини намойиш этишга тақлиф этамиз.

Энди қуйидаги рақамларга эътибор қаратинг. Жорий йилда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 2 миллиард доллардан ошди, бу эса 2023 йилдагидан 370 миллион долларга кўпдир. Ўзбекистон ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, гилос ва шафтоли экспорти бўйича еттинчи, дуккакли экинлар бўйича ўнинчи ўринни эгаллади. Биргина гилос 16 давлатга экспорт қилинди.



Ижобий кўрсаткичлар яхши, лекин ҳали бажарилиши лозим бўлган режалар кўп. Ҳосил йиғиб олинadиган даврида нархлар арзонлашгани боис қарам, лавлаг, пиёз каби экинлар далаларда қолмоқда. Шу боис, эътиборга лойиқ яна бир муҳим жиҳат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта

ишлаш линияларини ташкил этишдир. Токи маҳсулотнинг даладарда қолган қисми конвейерга ўтиб, келажақда даромад келтирсин. Масалан, янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш: мевали мураббо, маҳсулотларни «шок» усулида музлатиш, «powder» технологияси бўйича кукун ҳолатига келтириш ва барчасини экспорт қилиш. Шу билан бирга, ҳар бир турдаги маҳсулотларга қайси давлатда талаб юқори, қанчага сотиш мумкин, бир сўз билан айтганда халқаро бозор конъюктурасини инобатга олиш озиқ-овқат маҳсулотларини экспортга тайёрлашда жуда муҳимдир.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ: ФИТОСАНИТАР СЕРТИФИКАТИ ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА БЕПУЛ БЕРИЛАДИ?

Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, томорқа ва уйлар олди, маҳалладаги кўчалар бўйи, дала чети ва каналлар атрофида жами республикамиз бўйича 650 минг гектар ер бор. Бу жуда катта имконият ва шу ерлардан кўчатлар ва озиқ-овқат экинлари экиш учун фойдаланиш керак, жуда керак. Мана шу масъулиятли вазифа ижроси ҳам карантин инспекторлари зиммасига юкланади. Бундай ерлар бўйича аниқ маълумотлар «Агроплатформа»га киритилиб, аҳоли ва фермерларга уруғликни тўғри танлаш, ўғитлардан фойдаланиш ва маҳсулотларни сақлаш бўйича тасвиялар берилади. Бу саъй-ҳаракатни рағбатлантириш учун катта энгилликлар тақдим этилишини ҳам давлатимиз раҳбари таъкидлади. Дала четини самарали ишлатган фермерларга тадбиркорлар рейтингда қўшимча балл ҳисобланади, ички фитосанитар сертификати бир йил давомида бепул берилади. Дала четлари ҳисоби, етиштирилган маҳсулот ҳажми «e-Fitouz» портали орқали назорат қилиб борилади.



«e-Fitouz» портали
имкониятлари
билан танишиш
учун сканерланг

ОРГАНИК ЕРЛАР: 3,9 МИНГ ГЕКТАРДАН 10 МИНГ ГЕКТАРГАЧА

Маълумки, дунё бозорларида органик маҳсулотлар нархи 2-3 барабар юқори. Ўзбекистондаги 10 та туманда жойлашган атиги 3900 гектар ер органик сертификатга эга. Бу кам, жуда кам. Шу боис мамлакатимизда халқаро талабларга мувофиқ ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни босқичма-босқич камайтириш чоралари кўрилмоқда. Бугунги кунга қадар 5 та энг хавфли моддалар асосидаги

препаратларни қўллаш тақиқланди. Талаблар деҳқон ва фермер хўжаликларига етказилмоқда, ўсимликларни ҳимоя қилишда биологик воситалардан фойдаланиш, меъёр қоидаларига амал қилиш лозимлиги тушунтириляпти. Шу тариқа босқичма-босқич соғлом биофон яратилишига эришамиз. Соғлом биофон - бу табиатнинг иммунитет, у атроф-муҳитга, инсон саломатлигига, ҳайвонларга, қўшларга ва фойдали ҳашаротларга зарар етказадиган кимёвий моддалардан фойдаланишни камайтиришга ёрдам беради. Келажақда муваффақиятли органик корхоналар тажрибасини ҳам оммалаштирамиз.

Айни пайтда, Европа Иттифоқининг «Farm to Fork» дастурига кўра, пестицидларни назоратсиз қўллайдиган мамлакатлардан экспортни тўхтатиш режалаштирилган. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари органик маҳсулотлар етиштириш саноатини ривожлантириш бўйича жуда муҳим топшириқлар берди. Бу биринчи навбатда, мамлакатимиз аҳолиси саломатлигига ғамхўрликдир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мевасабзавот экспортини кенгайтириш имкониятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз учун асосий тармоқлардан бири эканлигини инобатга олсак, бу соҳани хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш ҳар қачонгиданда муҳим эканлиги ойдинлашади.

Келгуси йилда экологик тоза ерлар майдонини 10 минг гектарга, кейинги уч йилда эса 100 минг гектарга етказиш бўйича вазифаларни ижросини таъминлаш учун халқаро экспертлар жалб этилади. Уларнинг тавсиялари асосида ерни соғломлаштиришнинг аниқ тизими ишлаб чиқилади. Хусусан, бу борада Жанубий Корея тажрибаси ўрганилмоқда. Мазкур мамлакат тупроқнинг соғлигига жиддий эътибор қаратиб, пестицидлардан фойдаланишга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашади.



Яна бир янгилик шундаки, эндиликда органик майдон ташкил қилган фермер ва деҳқонларга ерни лазер билан текислаш харажати давлат томонидан қоплаб берилади. «Органик», «Глобал Гап», «Ҳалол», «Кашер» каби сертификатларни олиш харажатлари учун тадбиркорларга субсидия ажратилади.

Буларнинг барчасига амалиёт, тажриба ва илм-фан уйғунлигини таъминлаш орқалигина эришиш мумкин. Шу боис келгусидаги барча жараёнлар илмий жамоатчилик тажрибаси, фикри ва тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.



ШОЛИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН МУҲИМ ҚАРОР

Шоли экини ноёб дон экинларидан бири ҳисобланиб, дунё халқи уни эъзозлаб ҳамда ривожлантириб келмоқда. Шоли дунё озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда учинчи ўринни, ҳосилдорлиги бўйича эса етакчилиكنи эгаллайди. Шунингдек, аҳоли сони энг кўп бўлган Осиё қитъасининг асосий озиқаси ҳисобланиб, 3 млрд.дан ортиқ одамларни таъминлаб келмоқда. Шоли экини ер шарининг экватор қисмига мансуб экин бўлса-да, биологик жиҳатидан эгилувчанлиги ҳамда мосланувчанлиги сабабли 115 дан ортиқ мамлакатларда расмий равишда, яна бир қатор давлатларда аҳоли ўз тирикчилиги учун экиб келмоқда.

Яна шолининг эътиборли томони, дон экинлари орасида ҳосилдорлиги ортиб бораётган ягона экин тури ҳисобланади. Мисол учун Хитойлик олимлар ҳар гектардан 200 центнер шоли ҳосили олишга ҳамда шолининг қора гуручли серҳосил, жуда мазали ва юқори колорияга эга бўлган ноёб навларини яратиб, дунё шоликорларини лол қолдирмоқдалар. Демак, шоликорлиكنинг келажаги чексизлиги илм-фан томонидан исботлаб борилмоқда. Республика ютуқларини панжа орасидан кўриб баҳолайдиган айрим шахслар, шолочиликимизда янгиликлар ҳамда ривожланиш йўқ қабилида фикр юритадилар. Шолочилик институти ҳақиқатан ҳам кичик илмий жамоа. Лекин халқимиз айтганидек “Кичкина деманг бизни...”. Бироқ дунё шолочилик соҳасининг етакчилари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда малакали кадрлар тайёрланишига жиддий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шолочилик илмий-тадқиқот институти Марказий Осиёда ягона ҳисобланиб, шу бугунги кунгача республика шолисининг 90-95 фоизи институтда яратилган навлар ҳисобига етиштириб келинмоқда. “Лазурный”, “Искандар” (Аланга) навлари дунёнинг қимматли навлари билан рақобатлаша олиши туфайли Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда. “Мустақиллик нави” АҚШнинг назарий тадқиқотларида стандарт-St сифатида

қўлланилмоқда. “Шоли етиштириш технологиясини механизациялаш йўли билан такомиллаштириш ва бир гектардан 110-120 ц/га ҳосил олиш” мавзусидаги техник ҳамкорлик лойиҳаси бўйича Жанубий Корея “КОРІА” маркази билан 2023 йилда республикаимизда эмас, балки Марказий Осиёда биринчи мартаба бир гектар майдондан 120 центнер шоли ҳосили, кўчат усули ҳисобига олинишига эришилди. Бу усул янада такомиллаштирилиши эвазига ҳосилдорлиكنи 150 ц/га олиб чиқиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, лидер шоли навларимизда дурагай усулини қўллаш ҳисобига, ҳосилдорлиكنи 3-4 ц/га ошириш бўйича малакали кадрлар хорижда тайёрланиб, амалиётга жорий этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари, қуйидаги бир қанча илмий йўналишларда хорижий илмий марказлар, етакчи илмий муассасалари ва олийгоҳлар билан ҳамкорликда долзарб мавзулар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан:

Дунёнинг асосий шолочилик ҳамда етиштириш марказлари, яъни Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Филиппин, АҚШ, Жаҳон банки ва ФАО ташкилотлари ва бошқалар билан узвий илмий алоқалар боғланган бўлиб, ўзаро фойдаланиш тадқиқотлар олиб бориш, тажриба ва ирсий фонд материалларини алмашиш ҳамда халқаро лойиҳалар масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.